

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЛДАШЕВ НИЗОМИДИН АХМАДАЛИЕВИЧ

ЭКОЛИНГВИСТИКА: ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЛ ВА НУТҚ
СОФЛИГИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 - Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Кулдашев Низомидин Ахмадалиевич

Эколингвистика: Ўзбек тилида тил ва нутқ софлигининг

лингвокультурологик тадқиқи.....3

Kuldashev Nizomidin Akhmadaliyevich

Ecolinguistics: Linguoculturological study of the purity of language and speech in

Uzbek language.....26

Кулдашев Низомидин Ахмадалиевич

Эколингвистика: лингвокультурологическое исследование чистоты языка и

речи в узбекском языке.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....50

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЛДАШЕВ НИЗОМИДИН АХМАДАЛИЕВИЧ

ЭКОЛИНГВИСТИКА: ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИЛ ВА НУТҚ
СОФЛИГИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 - Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fil1925 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муминов Сидикжон Мирсобирович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Улуқов Носиржон Муҳаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Собиров Абдулхай Шукурович
филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «29» 12 2021 йил соат 9 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (993873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 12 кuni тарқатилди.
(2021 йил «16» 12 даги 47 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида антропоцентрик йўналишда социолингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, когнитив тилшунослик, лингвоэкология каби соҳаларнинг юзага келиши ва ривожланиши тил илмининг объекти ҳамда предмети тадқиқига ҳам янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Бугунги кунда тилшуносларни хавотирга солаётган энг катта муаммо – бу дунё тилларининг йўқолиб бораётганлиги, жаҳон миқёсида турли тиллар қоришуви кузатилаётганлиги ҳамда ўзга тилдан сўз ўзлаштириш меъёрлари бузилиши натижасида тиллар софлигига путур етаётганлигидир. Тилларда юз бераётган бу каби нотабий ҳолатлар эколлингвистик тадқиқотлар кўламини янада кенгайтиришни, шунингдек, экологик терминлар системаси ва семантикасига оид изоҳли ҳамда таржима луғатларни яратиш амалиёти заруриятини ҳам тақозо этади.

Дунё тилшунослиги бугунга қадар тил экологиясининг макроэколлингвистика йўналишида глоттоназия, тил геноциди, деструкция, тиллараро келишмовчиликлар, тил сиёсати ва тилларни режалаштириш масалаларини ҳал этишда жиддий ютуқларга эришди. Тил ва нутқ масаласининг социолингвистик, психолингвистик, антропоцентрик аспектларда тадқиқ этилиши эса микроэколлингвистика йўналиши ҳиссасига тўғри келади. Экология ва лингвистика муносабатларига асосланган мазкур тадқиқотлар эколлингвистика, тил экологияси, экологик лингвистика, лингвистик экология тушунчалари атрофида бирлашади. Бунда дунё тиллари, шу жумладан, ўзбек тили экологияси муаммоларига доир сўнгги ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил этиш мазкур йўналишнинг назарий асосларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида экологик муаммолар миллий тилни асраш, ундан ўринли ва оқилона фойдаланиш, ўз тилни унинг софлигига путур етказувчи ўзга тил унсурларидан ҳимоялаш, она тили табиийлигини эколлингвистик омиллар асосида таъминлаб, келажак авлодга асл ҳолида етказиш каби масалаларни камраб олади. Бу қамров тилшуносларимиздан эколлингвистикани мамлакатимизда бугунги кундаги тил вазияти ва тил сиёсати билан уйғун ҳолда, замонавий тилшунослик ютуқлари асосида тадқиқ этишни талаб қилади. Зеро, “давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш”¹ каби масалалар ўзбек тилини экологик нуқтаи назардан тадқиқ этишдек муҳим вазифани кун тартибига қўймоқда. Ўзбек тилшунослигида бугунга қадар эколлингвистик – тил софлиги, ўзбек тилида меъёрнинг бузилиши, тилдан ўринли фойдаланиш, тилни сақлаб қолиш каби масалалар монографик йўналишда тадқиқ этилмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида // Хуррият, 2019 йил, 22 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон; 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6084-сон фармонлари; 2020 йил 10 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги ЎПҚ-615-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-4797-сон Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-173-сон; 2018 йил 18 майдаги “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-376-сон; 2020 йил 3 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ВМҚ-117-сон; 2021 йил 10 февралдаги «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ВМҚ-61-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида эколингвистика масалалари бўйича дастлабки фикр-мулоҳазалар 1972 йилда Э.Хауген томонидан эълон қилинган бўлиб¹, 1990 йилда М.Хэллдейнинг тил экологияси тадқиқига бағишланган асари чоп этилди² ва мазкур тадқиқотлар эколингвистика фанининг ривожига туртки бўлди.

У.Маккей, А.Филль, П.Финке, Л.Ж.Кальве, В.Трампе, И.Шторк, М.Дёринг, П.Мюльхойслер каби олимлар эколингвистиканинг макроэколингвистика ва микроэколингвистика каби йўналишларини белгилаб бердилар. Биринчи йўналишда глоттоназия, тил геноциди, деструкция, тиллараро келишмовчиликлар, тил сиёсати ва тилларни режалаштириш масалалари ўрганила бошланди. Кейинги йўналишда эса тил

¹ Haugen E. The Ekology of Language // Haugen E. The Ekology of Language: essays by Einar Haugen/Selected and Introduced by Anvar S.Dil. – Stanford, Californiya: Stanford University Press, 1972.

² Halliday M. Current Ideas in Sustemic Praktike and Theory. – London: Pinter, 1991.

ва нутқ масаласи социолингвистик, психолингвистик, антропоцентрик аспектларда тадқиқ этилди.¹

Н.Н.Жабо француз ва рус тилларида экологик терминлар системасининг тузилиши ва семантикасини, таржима хусусиятлари²ни ўрганди. Л.А.Брусенская ва Э.Г.Куликовалар экологик лексиканинг долзарб муаммолари³ билан шуғулландилар.

Ўзбек тилшунослигида эколлингвистика доирасида тил софлиги, ўзбек тилида меъёр бузилиши, тилдан ўринли фойдаланиш, тилни сақлаб қолиш каби масалалар монографик йўналишда тадқиқ этилмаган. Ўзбек тилшунослигида А.Ҳожиев, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, Р.Қўнғуров, Э.Бегматов, Ё.Тожиев, Э.Шодмонов, М.Миртожиев, Б.Ўринбоев, А.Рустамов, М.Раҳмонов, С.Мўминов, Т.Қудратов, Ш.Искандарова, Н.Маҳкамов, Р.Расулов, Қ.Мўйдинов, Ш.Сафаров, Г.Тоирова, Б.Йўлдошев, А.Маматов, М.Қурбонова ва бошқа олимлар томонидан ўзбек тили софлигини сақлаш тамойиллари, тилни бузувчи унсурлар, тилдаги ортикчалик, пуризм масалалари муайян маънода ўрганилган⁴.

Экология ва тилшуносликнинг ўзаро муносабати доирасида илк бор Х.Д.Палуанова ҳамда З.А.Джурбаевалар томонидан илмий изланишлар олиб

¹ Кислицына Н.Н. Эколлингвистика – новое направление в языкознании // www.crimea.edu/tni/cultute.

² Жабо Н.Н. Экотерминсистема французского и русского языков: структура, семантика, особенности и способы перевода: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва., 2015.

³ Брусенская Л.А., Куликова Э.Г. Экологическая лингвистика. – Москва: Флинта-Наука, 2016. – С. 184.

⁴ Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996; Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т.: Фан, 2010; Ҳожиев А. Ўзбек тилшунослик терминологиясининг ҳозирги аҳволи ҳақида // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I республика терминология конференцияси. – Т.: Фан, 1986. – Б. 7; Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985; Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: ЎМЭ, 2002; Ҳожиев А., Решетова Л. Ўзбек тили грамматик терминларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1980; Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. . 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012; Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-ж. –Тошкент: Академнашр, 2012. – Б.235; Нурмонов А. Она тилим – сўлмас гулим // “Андижоннома” газетаси, 2009 йил, 7 октябрь; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. 2 нашр. – Т., 2009; Маҳмудов Н. Сўзимиз рост ва расо бўлсин // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2014 йил 2-сон; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981; Маҳмудов Н. Нутқнинг жўялиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 3-сон; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. 5-сон; Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2014. 3-сон; Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998; Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1997; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992; Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Т.: Фан, 1978; Шодмонов Э. Муомала муносабатларида қўлланилган сўз-гапларга доир // Тилшунослик масалалари. – Т., 1970; Миртожиев М. Тил софлиги қандай белгиланади? // “Ёш ленинчи” газетаси, 1991, 12 январь. – Б.4; Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Т.: Фан, 1972; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Т., 1974; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Т., 1991; Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987; Раҳмонов М. Сўзлар оламига саёҳат. – Т.: Фан, 2011; Мўминов С.М. Оказионал нутқий номинацияда мотивациянинг роли: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Т., 1990; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Т., 2000; Mo'minov S. Muloqot mezonlari. – Т.: Yangi asr avlodi, 2004; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан. номз. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 1993; Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм – Т.: Фан, 1988; Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти (ўқув-методик қўлланма). – Т., 2004; Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007; Йўлдошев Б. Ўзбек эколлингвистикасининг долзарб муаммолари // Til va adabiyot ta'limi (№ 7), 2013. – Б. 33–35.; Маматов А. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Тошкент: Баёз, 2014; Қурбонова М. Ф. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 1997;

борилди. Х.Д.Палуанова ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларидаги экологияга оид терминларни қиёсий аспектда ўрганган ва уларнинг деривацион-семантик хусусиятларини очиб берди¹. З.А.Джурабаева ишида экологик терминларнинг лексик-семантик гуруҳлари, парадигматик муносабатлари ва тузилишига кўра турлари аниқланиб, ўзбек илмий лексикологияси янги маълумотлар билан бойитилди².

Н.З.Пазлиддинова тадқиқотида ўзбек тили фитонимлари тизимида номлар мотивацияси³га эътибор қаратилган бўлса, Н.Р.Умарова “табиат” концепти доирасида Навоий асарларида қўлланган фитоним ва зоонимларни диахрон аспектда тадқиқ этган⁴.

Бизнинг тадқиқотимизда эколингвистика соҳасидаги муаммолар тилнинг бузилиши ва йўқолишининг олдини олиш, тил бирликларини нутқда тўғри қўллаш юзасидан янги ёндашувлар асосида тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек тилининг эколингвистика муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилшунослигида эколингвистика ва тил экологияси доирасида бажарилган тадқиқотларни ўрганиш ҳамда ўзбек тили софлигини сақлаш учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эколингвистика фанининг муаммоларини ёритиш;

эколингвистик бирликлар ва улар таркибидаги тушунчаларни илмий таҳлилга тортиш;

тилнинг коммуникатив, услубий ва функционал жиҳатларини софлик ва меъёр нуқтаи назаридан ёритиш;

тилни сақлаб қолиш учун эколингвистиканинг муҳимлигини матн таҳлили асосида изоҳлаш;

нутқда эколингвистик бирликларнинг социоллингвистик, лингвопоэтик, лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек тилидаги бадиий матнлар, сўзлашув нутқи материаллари ва пешлавҳалар танланган.

Тадқиқотнинг предметини тилни соф ҳолда сақлаш, ундан ўринли фойдаланиш, мулоқот жараёнида қўпол хатоликлар ва тартибсизликлар олдини олиш каби эколингвистиканинг функционал хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, контекстуал, функционал-семантик, услубий, социоллингвистик,

¹ Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Т., 2016.

² Джурабаева З. Ўзбек тилида экологик терминлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2018.

³ Пазлиддинова Н.З. Ўзбек тилида фитонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дисс. автореф. – Фарғона, 2018. – Б. 8-21.

⁴ Умарова Н.Р. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи: Филол. фан. д-ри (DSc) ... дисс. – Фарғона, 2021. – 269 б.

лингвокультурологик ва лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

оғзаки нутқни тушуна олмаслик ва сўзларни қўллашдаги тартибсизликлар тил касалликларини келтириб чиқариши асосланган;

лингвоэкология доирасида тилнинг софлигига путур етказувчи, узлуксиз жараён сифатида тилда намоён бўлувчи вульгар сўзлар, агнонимлар, арго сўзлар, обценнизм (нутқдаги одобсизлик) каби лексик бузилишлар, шунингдек, нутқий этикет, мулоқот одоби сингари ўзбек нутқ маданиятига оид лингвокультурологик жиҳатлар очиб берилган;

ўзбек тили табиатида хос миллий, анъанавий, диний, фалсафий, этник ва ижодий мотивациялар, шунингдек, тилнинг софлик меъёрлари доирасида тўғрилиқ, аниқлик ва лўндалик каби семантик-функционал жиҳатлар далилланган;

эколингвистика тилнинг софлигини сақловчи меъёр сифатида тил экотизимида путур етказувчи сўзлар – вульгар, варвар, арго ва агнонимлар, калька асосида олиб кирилган терминлар, оғзаки нутқда пала-партиш, тартибсиз ишлатилган пешлавҳалар, сўз ва иборалар билан боғлиқ бузилиш ҳолатлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилшунослигида эколингвистиканинг алоҳида фан сифатидаги вазифалари аниқланган;

эколингвистика тил барқарорлигини, истиқболлини кўрсатиб берувчи мезон сифатида тилнинг ижтимоий, бадиий ва маданий вазифалари билан муштарак ҳолда ўрганилган;

тилнинг софлигини бузувчи лексик унсурлар ёритилган;

тилнинг софлигига путур етказувчи коммуникантлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқарилганлиги, материалларнинг объективлиги, тадқиқ асосининг методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти эколингвистика назариясини янада ривожлантиришда, тил экологияси билан боғлиқ ечимини кутаётган муаммоларни атрофлича ўрганишда, лингвоэкология ҳақидаги янги қарашларни такомиллаштиришда, тил бирликларидан ўринли фойдаланишда ва уларни соф ҳолда сақлашда назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар коммуникантлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тадқиқ этишда, янги типдаги сўзлашгич, фольклор, диалектал, халқона, расмий, реал ва мифологик номлар луғатларини тузишда, бундан ташқари, олий ўқув юртларининг филология факультетларида тилшунослик назарияси, ҳозирги ўзбек адабий тили, семасиология каби фанларни ўқитишда, махсус курс ва

семинарлар ташкил этишда, дарслик ҳамда қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эколингвистика фанининг тил софлигини сақловчи йўналиш сифатидаги натижаларидан:

лингвоэкология доирасида тилнинг софлигига путур етказувчи мунтазам жараён сифатида тилдаги вульгар сўзлар, агнонимлар, арго сўзлар, обсценизм (нутқдаги одобсизлик) каби бузилишлар юзасидан берилган таклифлардан 2013-2014 йилларда бажарилган И-2013-57-рақамли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасининг “Ижтимоий экология муаммолари” йўналишида фойдаланилган (Фарғона вилоят ҳокимлигининг 2021 йил 6 июлдаги 06-06/5053-сон маълумотномаси). Натижада ижтимоий экология муаммолари доирасида пуризмнинг юзага келиш сабаблари аниқланган ва унга ёндош ҳодисалардан фарқланган, нутқда тўғри қўлланиши юзасидан маълум самарага эришилган;

тил экологиясига оид миллий, анъанавий, диний, фалсафий, этник ва ижодий мотивациялар ҳамда тилнинг софлик меъёрлари доирасидаги семантик ва функционал жиҳатларга оид илмий хулосалардан “Матн тилшунослиги” номли дарсликни тайёрлашда кенг фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сонли буйруғига асосан 237-317 рақамли рухсатномаси). Натижада мазкур дарсликдаги “Стилистик воситалар” ҳамда “Бадиий матнни шакллантирувчи воситалар” мавзулари доирасидаги ўзбек нутқ одоби ва нутқ софлиги, шунингдек, нутқни бузувчи салбий ҳодисалар билан боғлиқ назарий фикрлар бадиий далиллар ҳисобига бойитилган;

эколингвистика тил софлигини сақловчи меъёр сифатида ҳамда тилнинг йўқолишига олиб келувчи нутқий, имловий, услубий жиҳатдан ноўрин қўлланган сўзлар – вульгар, варвар, арго ва агнонимлар, калькалаш йўли билан олиб кирилган терминлар, оғзаки нутқда пала-партиш, тартибсиз ишлатилган пешлавҳалар, сўз ва иборалардаги бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги материаллардан “O’zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик” дастурида ҳамда “Таълим ва тараққиёт”, “Адабий жараён” эшиттиришларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган. (“O’zbekiston” телерадиоканалининг 2021 йил 15 июлдаги O’z-RK-04-25/1182-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчиларнинг ўзбек нутқ одоби ва маданияти ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та илмий-амалий анжуман ва 8 та халқаро конференцияда маъруза шаклида баён этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 138 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тил ва нутқ софлигининг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида тил ва нутқ софлигини сақлаш (эколингвистика)ни тадқиқ этган олимларнинг ишлари ва ҳар қандай тилнинг таназзулига олиб келадиган айрим лингвистик ҳодисалар тадқиқ этилган.

Бобнинг биринчи фасли “*Эколингвистика тилшуносликда янги фан сифатида*” деб номланади. Бугунги жамият экологик таназзул ёқасида турибди. Бу эса атроф-муҳитдаги турли ўзгаришларга боғлиқ бўлиб, ушбу ўзгаришлар комплекс хусусиятга эга. Экология ўз ичига 70 дан ортиқ фундаментал фанларни қамраб олади. Жамият лингвомаданиятидаги инқирозли ҳодисаларни номлаш учун ҳам экология фани терминологиясидан фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, экологик ғоялар тил соҳасига ҳам экстраполяция (воқеаларни илмий башорати) қилина бошланди. Бу тилнинг ички имкониятидан фойдаланиш, метафорик жараёнлар, тилда ишлатилаётган белги ичидаги семантик ва прагматик муносабатларни асослаш, у ёки бу терминлар – терминологик birlikларнинг қўлланилишини кенгайтириш билан характерланади.

Бугунги кунда тилшунос олимлар томонидан ҳар қандай тилнинг таназзулига олиб келадиган лингвистик омилларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, тилшунос М.Н.Эпштейн ўз тадқиқотларида “сўзларни бошқа тиллардан ўзлаштириш “синдроми”, “тил криминализацияси”, “лингвоцинизм” каби терминларни қўллайди. Мазкур тушунчалар остида ижтимоий фикрнинг ғайриинсонийлиги, нутқда жаргон ва вульгар сўзларнинг ортиши, умумий саводхонлик даражасининг пасайганлиги ҳамда бошқа ҳолатлар ҳақида фикр юритилади. Дарҳақиқат, бугунги кунда тилларнинг умумий ҳолати ҳақида ижобий фикрлар айтиш бироз мушкул. Бу борада ўзбек тилининг келажаги ва тақдири ҳақида ҳам ўйлаб кўриладиган пайт келди.

Тил софлиги борасида В.С.Елистратов ўзига хос фикрни илгари суради: “...ифлосланганлик – ифлосланмаганликка келсак, ҳар қандай тилшунос жавоб бериши мумкин бўлганидек, мен ҳам шундай жавоб бераман: тилнинг ифлосланишига йўл қўйиб бўлмайди, нутқни, ундан кейин эса, турган гап, мия ва қалбни ифлослантириш ёки сийқалаштириш мумкин. Сени эшитаётганларнинг онги ва қалбини... Яъни тил таназзули мавжуд эмас, тилда гапираётган одамлар таназзули мавжуд”¹.

Дунё тилшунослигида экологияга тез-тез мурожаат қилинишининг асосий сабабларидан бири ушбу фанда аҳамиятли (магистрал) ҳисобланмиш “сақланиш ғояси”нинг устунлигидир². Экологик лингвистика жаҳон тилшунослигида етарли даражада ишлаб чиқилган механизмга эга. Тилшунос олим А.Филл бу соҳадаги асосий терминологик бирликларнинг қуйидаги дифференциациясини таклиф этади³:

1) эколлингвистика (ekolinguistik – ecolinguistics) лингвистика ва экологияни бирлаштирувчи илмий билим соҳалари учун умумий термин ҳисобланади;

2) тил, тиллар экологияси (ekologie der Sprache(n) – ecology of language(s) тил нисбати, ўзаро таъсири ва ўзаро ҳаракати (тилни сақлаб қолиш ва унинг кўпхиллилигини сақлаш)ни ўрганади;

3) экологик лингвистика (ekologische linguistik – ecological linguistics) томонидан тилга экологик терминлар ва экология тамойиллари (масалан, экотизим тушунчаси) экстраполяция қилинади;

4) лингвистик (тил) экология (sprachekologie- language ecology, linguistic ecology) томонидан тил ва “экологик” масалаларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги тадқиқ этилади.

М.К.Пылаеванинг⁴ фикрича, эколлингвистикада иккита йўналишни белгилаш мумкин. Биринчиси – бу, *тил экологияси* бўлиб, у экологик тушунчалар (экология, атроф-муҳит, экотизим)ни тилга метафорик жиҳатдан кўчиришни амалга оширади, иккинчиси эса *тилга оид экология* бўлиб, у тил ва матнларни “экологик” тамойил асосида кўриб чиқади. Тилнинг атрофдаги воқелик ва ҳодисаларни акс эттиришдаги роли ҳамда имкониятини тадқиқ этади.

“Тил экологияси” ғоялари борасида В.Б.Касевич, В.Колесов, Л.И.Скворцова, А.П.Сквородникова, В.И.Шаховской, Г.А.Копнина каби тилшуносларнинг ишларига эътибор қаратиладиган бўлса, уларда:

лексик эрозия;

тил муҳити;

тил муҳитининг ифлосланиши;

¹ Литературная газета. – Москва, 2012. № 42.

² Иванова Е.В. Цели, задачи и проблемы эколлингвистики. Прагматический аспект коммуникативной лингвистики и стилистики // Сборник научных трудов Е.В.Иванова. Челябинск: Образование, 2007. – С. 41-4

³ Fill A. Ecolinguistics und Amerikanistik. Band 23. Heft 1. – Tübingen, 1998.

⁴ Пылаева Е.М. К вопросу об эколлингвистике в свете современных эколого-эволюционных исследований // Культура и образование. Ф Пылаева Е.М. К вопросу об эколлингвистике в свете современных эколого-эволюционных исследований // Культура и образование, 2014, февраль. – № 2 [Электронный ресурс]. URL: <http://vestnik-rzi.ru/2014/02/1367> (дата обращения: 01.02.2014).

тил касалликлари;
тилни муҳофаза қилиш

каби метафоралар оммавийлашиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз.

Тилшуносликда соҳа доирасида тил саломатлиги, тил касалликлари билан боғлиқ бир канча эколлингвистик тушунчалар қўлланилиб,

тилнинг соғлом турмуш тарзи,
тилнинг ҳаракат фаоллиги,
тилнинг шамоллаши,
тилнинг юқумли касалликлари,
тил лингвонекрози

сингари тиббиётга оид турдош атамалар асосида лингвистик экотизим шакллантирилди.

Умуман олганда, юқорида номлари зикр қилинган олимларнинг барчаси ўз тадқиқотларида “тил – тирик организм” тарзидаги анъанавий метафорага таянадилар.

Айнан лингвистик экологиянинг асосий тенденциялари, яъни жоиз бўлса, “тил касалликлари”ни башорат қилиш уни салбий таъсирлардан сақлаш учун миллий тил аҳволи тўғрисидаги объектив маълумотларни олиш заруратига жавоб тариқасида шаклланган. Тил муҳитини ҳар томонлама ўрганиш ва жамиятнинг типик жиҳатдан шаклланишида лингвистик экология алоҳида аҳамият касб этади. Инсонни қуршаб турган оламни ўзига хос тарзда ифодалайдиган тилнинг ҳаёт қобилятини сақлаш бевосита экологик лингвистика қуршовида намоён бўлади.

Бобнинг иккинчи фасли “*Лингвоэкология – тилни сақлаш сиёсати*” деб номланади. Бугунги кунда дунё миқёсида оддий халқ тушуниши қийин бўлган ўзлашма сўзлар ҳаддан зиёд кўп ишлатилаётганлиги таъкидланмоқда. Бу эса ўзаро мулоқот жараёнида бир қатор қийинчиликларни юзага келтирдик, натижада, замонавий тилшуносликда ушбу масалаларни ўрганадиган янги йўналиш сифатида лингвоэкология вужудга келди.

Лингвоэкология экология ва лингвистика фанларининг ўзаро таъсирида шаклланган бўлиб, у тилдаги барча (этник, диалектал ва бошқа) жараёнларни сақлаб қолишга қаратилган тил сиёсати саналади. Лингвоэкология, одатда, лингвистик хилма-хилликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тил ҳодисаларининг ижтимоий вазифаларини кенгайтириш, она тили ва, умуман, тилнинг жамиятдаги нуфузини кўтариш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Айнан тил муҳити шахсни шакллантиргани боис лингвоэкологияни таълим-тарбия муаммоларидан айро ҳолда тадқиқ этиш мумкин эмас.

Тилшунос Л.Бухарева таъкидлаганидек, “жамият аъзоларининг лингвоэкологик хулқига нисбатан бузилиш (деградацион) хулқи ўзаро зид тушунча”дир¹. Мутахассислар бугунги кунда талаб-эҳтиёжлар қарама-қаршилиги усулидан муаммо моҳиятини очиш учун фойдаланишмоқда.

¹ Бухарева Л.П. Лингвоэкологические факторы процессов оптимизации языкового поведения: на материале Республики Марий Эл: Автореф.дисс. ... канд. социол. наук. – Москва, 2009.

Мазкур жараён узок муддатли истиқболга мўлжалланган умумий ва хусусий манфаатлар учун хизмат қилади. Бу ҳол кўпроқ тилнинг этика, имло, сўз қўллаш меъёрларини бузиб фойдаланадиган реклама матнларида кузатилади.

Замонавий лингвомаданий вазиятнинг алоҳида “оғриқли нуқтаси” – бу, стилистик палитрада ёки “юксак регистр, яъни ёзув саводхонлигини, ёзма, босма услубнинг” йўқлигида кўринади. Бундай ҳолат бошдан-оёқ ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар билан, жумладан, Ўзбекистонда аҳоли турмуш тарзининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ўзгарганлиги билан боғлиқдир. Бугун баландпарвоз тил воситаларига талаб қолмади, аммо ўрганилаётган соҳада бой берилган “юксак регистр” (чоп этилган) ўрнини босадиган ҳозирча ҳеч нарса яратилгани йўқ ва мулоқотда фақат кундалик турмушда ишлатиладиган оддий, сийқаси чиққан сўзлардангина фойдаланиш миллатнинг маънавий саломатлигига хавф солмоқда.

Бобнинг учинчи фасли “*Тил ҳодисаларига экологик ёндашув*” деб номланади. Ҳар бир тил соҳиби тил меъёрларига тўғри амал қилиши ва бунинг учун нутқ қоидаларини ўзлаштириб олиши жуда зарур. Зеро, “ҳар бир тилнинг бетакрор сўзлари, атамалари шу тилни яратган халқнинг ҳаёт тарзини, тарихини, турмуш шароитларини, психологиясини ифода этиш эҳтиёжидан туғилади”¹. Тил доимий ривожланишда бўлиб, ва албатта, бу ривожланиш инсон омили билан боғлиқ. Тилнинг ривожланишига (бойишига) шевалардан, ўзга тиллардан сўз олиш, янги сўзларни яшаш орқали ижобий таъсир кўрсатиши, шу билан бирга, бундай ривожланиш жараёни тилга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Тарихдан маълумки, дунёда қанчадан-қанча тиллар пайдо бўлиб, қанчадан-қанча тиллар ўлик тилга айланди. Бунга сабаб эса тилнинг меъёрий қоидаларига амал қилмаслик, тил экологиясига эътиборсизликдир.

Ўзбек тилига оид дарслик ва қўлланмаларда, илмий мақола ва монографияларда айни бир тил ҳодисаси учун бир неча сўз, аксинча, бир-биридан фарқли ҳодисалар учун бир сўз термин сифатида ишлатилаётган ҳолатлар ҳам учрайди. Буни ижобий ҳолат сифатида баҳолаб бўлмайди. А.Ҳожиев таъкидлаганидек, “ҳар бир ҳодиса учун унинг моҳиятини тўғри акс эттирадиган битта термин қўллангани маъқул”² роқ.

Дарҳақиқат, тилни ўрганувчи соҳа сифатида тилшуносликнинг ўзида бундай муаммоларнинг, яъни лингвистик терминлардан баъзиларининг ҳодиса моҳиятига тўла мос келмаслиги, айримларининг эса бир ҳодиса учун бирдан ортиқлиги бироз мунозарали ҳолат саналади. Бу ҳолатни бартараф этиш тилшуносликда янги йўналиш сифатида ривожланиб бораётган тил экологиясининг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳозирги ўзбек тили ўзининг ўтмишидан анча узоқлашиб кетди. Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг талабларига жавоб беролмаган морфологик шакллар аста-секин умумтил доирасидан чиқиб кетди. Уларнинг

¹ Қодиров П. Тил ва эл // Темурийлар давридаги мумтоз адабий тилимиз муаммолари. Илмий бадиа. – Т.: Фафур Фулом, 2005. – Б. 6.

² Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б. 6.

ўрнини янги пайдо бўлган ҳолат ва шакллар эгаллади. Бу ҳодисаларни тарихий ёзма ёдгорликларда акс этган грамматик шакллар билан чоғиштириб кўриш мумкин¹. Ўрхун-Энасой ёзувларида йўналишни билдирувчи тарихий “қару” кўшимчаси бугунги кунда фақат *ташқарида*, *ичкарида* каби сўзларда сақланиб қолган. Кейинчалик *қару* қисқариб, *-қа/- га/-ка* ҳам маданийлашиб, юмшаб дастлаб *га*, кейин *га* шаклига ўзгарган. *Тескари* сўзи ҳам аввал *терсқару* кўринишида бўлиб, кейинроқ тилнинг қулайлик қонунияти асосида сўз таркибидаги битта товуш тушириб қолдирилган, *тескари* шаклига ўзгарган². Бу, албатта, тилнинг қулайлик тамойили асосида юз берган.

Биринчи бобнинг тўртинчи фасли “Ўзбек тилида меъёрийлик тамойиллари” деб номланади. Тил шаклланиб ва ривожланиб бориши давомида узоқ тарихий йўлни босиб ўтади. Ушбу жараёнда тил аста-секинлик билан такомиллашиб боради. Бу ҳолат унинг ички қурилишида, амалдаги қоидаларининг маълум бир тизимни шакллантириб боришида кузатилади.

“Тилшуносликка кириш” китобида қайд этилганидек, “ички қурилиш нуқтаи назаридан тил маълум миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирликларининг йиғиндиси ва ана шу бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб системадир”³. Ушбу тизимнинг мавжудлиги меъёр тушунчасининг шаклланишига олиб келди. Демак, меъёр тилнинг барча жараёнларини тартибга солиб турувчи барқарор, мунтазам ва тарихан шаклланган мезон ҳисобланади. Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг таъкидлашича, “меъёр (норма) тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатилиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият томонидан белгиланган ва аниқлангандир”⁴.

Меъёр жамият аъзолари томонидан белгиланган “қонуният ва имкониятлар”дан иборат. Биринчидан, “тилнинг моддий томони ҳақида бизнинг тасаввуримиз нутқда юзага чиқар экан, унинг қандай шакл ва кўринишда воқеланиши жамият томонидан муайян меъёрлар билан белгиланган бўлади”⁵. Масалан, “нари бор” мазмунидаги имо-ишорани қилмоқчи бўлсак, қафт бармоқларини ўзимизга нисбатан икки-уч марта карама-қарши ҳаракатлантираемиз. Нутқда эса бу ҳолатни товушлар тизими воситасида айтишимиз ва ифодалашимиз мумкин. Бу жамият томонидан қабул қилинган меъёр саналади. Айтилганларнинг барчаси меъёрнинг таркибий қисмларидир. Таъкидланганидек, “тил имкониятлари меъёр дарчасидан ўтиб, нутқда юзага чиқади”⁶.

Ишнинг иккинчи боби “Ўзбек тилшунослигида пуризм масалалари талқини” деб номланиб, унинг биринчи фаслида ўзбек тилида тил ва нутқ софлиги учун кураш муаммоси ҳақида фикр юритилади. Тил ва нутқ софлиги

¹ Аширбоев С., Азимов И. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси фанидан ўқув қўлланма. – Т., 2012. – Б. 3.

² Вохидов Э. Сўз латофати. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 96.

³ Содиков А., Абдуазизов В. А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Т., 1981. – Б. 22..

⁴ Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 7.

⁵ Каримов С. Тил таълими ва меъёр. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.

⁶ Неъматов Х., Расулов Р. Юкоридаги асар. – Б. 27.

учун кураш ўзининг узоқ тарихига эга ва бу ҳақда фикр юритишдан аввал мавзуга алоқадор асосий терминга – *пуризм*га изоҳ беришга тўғри келади.

Пуризм (fr. pur → lot. purus «тоза» dan) – XX аср бошларида Европада рассомлик ва меъморчилик йўналиши сифатида майдонга келган бўлиб, бунда ижодкорлар ўз асарларини яратишда эстетик равшанлик, аниқлик, тозалikka эътибор қаратади¹, яъни турли янгиланишлардан ҳоли ижод қилиш тушунилади. Пуризмда ҳар бир фаннинг ўзига хослигини, аслиятини сақлаш, уни ҳали исботини топмаган янгиликлардан асраш ҳамда маълум ўзгаришлар натижасида тушунарсиз ҳолга келиб қолишининг олдини олиш кўзда тутилади. Бу тушунча дастлаб араб тилшунослари томонидан кенг қўлланган.

Ислом дини таълимотининг асосий манбалари Қуръон, суннат, ижмоъ, қиёс)нинг биринчиси саналмиш бу Каломи шарифнинг тил ва баён жиҳатидан илоҳий мўъжизалиги ҳам уни араб тилида ўқиб, фикр юритгандагина тўла намоён бўлади. Бошқа ҳар қандай тилга ўгирилганда Қуръон тилига хос хусусиятлар, назмий услуб, мафтункор оҳанг ва руҳий таъсир ўз кучини йўқотади. Таржимон ҳар қанча маҳоратли, тажрибали, луғатга бой бўлмасин, оятларнинг арабча ҳолидаги мазмунини бошқа тилда мукамал ифода эта олмайди². Бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Кейинроқ бу жараён бошқа халқларнинг тил илмида – эрон, турк ҳамда туркман тилшунослигида мукамал даражада ривож топди.

Тилимизнинг ривож топиши ва софлигини сақлашда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Алишер Навоий анъанасини давом эттирди. Бобур нутқ маданиятига, нутқнинг содда, равон, тушунарли бўлишига катта эътибор қаратди. Ижодий фаолиятида ҳамиша бунга амал қилди. Бошқа шоир ва ёзувчиларни ҳам соф туркий тилда ижод қилишга ундади. Бобурнинг нутқ маданиятига алоҳида аҳамият бериши бежиз эмас эди. Бобур ўғли Ҳумоюнга бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: *“Хатингни худ ташвиш билан ўқуса бўладур, вале асру муғлақдур (жуда чалкашдир). Насри муаммо ҳеч киши кўрган эмас. Имлонг ёмон эмас, агарчи хили рост эмас. Илтифотни то била битибсен, қулунжни ё била битибсен. Хатингни худ ҳар тавр қилиб ўқуса бўладур, вале бу муғлақ алфозингдин (чалкаш сўзлар) мақсад тамом мавҳум бўлмайдур (тушунмайди). Ғолибо хат битарда қоҳиллигинг (бўшлигинг) ҳам ушбу жиҳаттиндир. Такаллуф (ҳашамат, безак) қилай дейсан, ул жиҳатдин муғлақ бўладур, мундин нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз(тил) била бити, ҳам сенга ташвиш озроқ бўлур ва ҳам ўқиғувчига”*³.

Бобнинг иккинчи фасли *“Ўзбек нутқий этикети ва нутқ софлиги муаммолари”*га бағишланади.

Этикет (étiquette) француз тилидан олинган бўлиб – “одоб-ахлоқ”, “маросим тартиби” маъносини ифодалайди. Бирор жамиятда, ижтимоий гуруҳларда қабул қилинган ўзаро муомала деган маънони билдиради⁴. “Этикет – ахлоқий маданиятда яққол кўзга ташланадиган муносабат

¹ Пуризм // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Пуризм_\(значения\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/Пуризм_(значения)) (дата обращения: 26.10.2021)

² ҚУРЪОНИ КАРИМ. Абдулазиз Мансур таржимаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.

³ Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – Т.: Yangi asr avlodi, 2018.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5- жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 61.

кўринишларидан биридир. Этикет инсоннинг ташқи маданияти, ўзгалар билан муносабатларда ўзини тута билиши бўлса, нутқий этикет эса инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида умумнутқига доир қонун-қоидаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Ўрта аср ижодкорлари асарларининг мазмун-моҳиятига эътибор берилса, улар илмийликка асосланган дидактик характердаги асарлар эканлиги маълум бўлади. Мазкур асарларда панд-насихат қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш, яъни ўрганишдан кўра ўргатиш устуворлиги сезилади. Бундай асарлар сирасига Кайковуснинг “Қобуснома”, Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Саъдий Шерозийнинг “Тулистон” ва “Бўстон”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, “Пандномалар” каби асарларини киритиш мумкин.

Мавжуд илмий манбаларда нутқий этикет бирликларининг маълум томонлари ўрганилганлиги, тадқиқот объекти сифатида танланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, бу борада рус тилшунослигида¹ ҳам, ўзбек тилшунослигида² ҳам қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

¹ Степанов А. О культуре речи. – М.: Искусство, 1961; Николаева Т.М., Успенский Б.А. Рецензии о новых работах паралингвистики. Вопросы языкознания. №6. – М., 1965; Костомаров В.Т. Русский речевой этикет // Русский язык за рубежом (№1), 1967; Колшанский Г.В. Паралингвистика. – М.: Наука, 1974; Акишина А.А.,ormanовская Н.И. Русский речевой этикет. 2-изд. – М.: Русский язык, 1978; Formanovskaya N.I., Akišina A.A., Akišina T.E. Спросите и попросите. – М.: Русский язык, 1989; Бернштейн С.И. Язык радио. – М.: Наука, 1977; Ступин Л.П., Игнатьев К.С. Современный английский речевой этикет. – Л.: ЛГУ, 1980; Горелов И. Невербальные компоненты коммуникации. – М.: Наука, 1980; Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР / Сер. Литературы и языка. Т.40. – М., 1981. – №4; Formanovskaya N.I. Русский речевой этикет: лингвистический и методологический аспекты. – М.: Русский язык, 1982; Formanovskaya N.I. Речевой этикет и культура общения. – М.: Высшая школа, 1989; Федоров А. Образная речь. – Новосибирск: Наука, 1985; Кожин А.Н., Крылова О.А., Одинцов В.В. Функциональные типы русской речи. – М.: Высшая школа, 1982; Гольдин В.Е. Обращение: теоретические проблемы. – М.: Либроком, 1987; Алпатов В.М. Япония. Язык и общество. – М.: Муравей, 1988; Львова С. Язык в речевом общении. – М.: Просвещение, 1991; Колесов В.В. Язык города. – М.: Высшая школа, 1991; Фирсова Н.М. Испанский речевой этикет. – М.: Высшая школа, 1991; Маслова В.А. Лингвокультурология. – М.: Академия, 2001; Голубовский Д.А. Невербальная коммуникация в древнерусских письменных источниках: опыт семантического анализа: автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – М., 2009; Ночевник М.Н. Культура и этика общения. – Т.: Узбекистан, 1985.

² Шодмонов Э. Муомала муносабатларида қўлланилган сўз-гапларга доир // Тилшунослик масалалари. – Т., 1970; Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Т.: Фан, 1972; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Т., 1974; Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Т.: Фан, 1978; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Т., 1981; Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987; Мўминов С.М. Оказионал нутқий номинацияда мотивациянинг роли: Филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Т., 1990; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Т., 1991; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1992; Раҳматуллаев Б. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1992; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1993; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одагининг мулоқот шакллари: филол.фан. номз. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 1993; Маҳмудов Н. Тил. – Т.: Ёзувчи, 1998; Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1997; Маҳмудов Н. Нутқнинг жўялилиги // Ўзбек тили ва адабиёти (3-сон), 2007.; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти (5-сон), 2012.; Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти (3-сон), 2014; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Mo'minov S. Muloqot mezonlari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004; Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти. – Тошкент, 2004; Акбарова З.А. Ўзбек тилида мурожаат шакллари ва унинг лисоний тадқиқи: филол.фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ,

Ҳар бир касб доирасида кишилар сўзлашар экан, уларнинг касбига, табиатига хос тарзда этикетлар шаклланади ва ўзига хос нутқий этикет конструкцияларидан фойдаланиш одатга айланади. Масалан, сотувчининг мулоқот мавзуси олди-сотдидан иборат бўлиб, унинг нутқида бозор мулоқотига хос “оламан”, “сотаман”, “кеп қолинг”, “армонда қоласиз”, “сотаману кетаман”, “ками бор”, “ками оғзингизда”, “бор барака”, “барака топинг”, “рози бўлинг”, “яхши кунга буюрсин”, “тугатишга”, “бай очишга” каби сўз ва бирикмалар фаол қўлланади.

Мазкур бобнинг учинчи фаслида “Нутқни бузувчи салбий ҳодисалар” га эътибор қаратилган.

Маълумки, тилшуносликда нутқнинг софлиги дейилганда, энг аввало, унинг адабий тил меъёрига мувофиқ келиши тушунилади. Ўзбек тилида ҳам нутқнинг софлигига, тилнинг асл табиатига путур етказадиган, унинг соғлом тараққиётига тўсқинлик қиладиган бир қанча лексик бирликлар мавжуд бўлиб, улар қуйидаги жадвалда келтирилган.

2.1-жадвал. Тил экологиясига путур етказувчи лексик бирликлар

№	Лексик бирлик номи	Тушунча изоҳи	Мисоллар	Тилнинг ички табиатига хослиги ва хос эмаслигига кўра	
				Хос	Хос эмас
1	<i>диалектизм</i>	махаллий диалект ва шеваларга хос сўз, ибора, шунингдек, грамматик шакллар, сўз ва сўз бирикмалари	<i>шоти (нарвон), каллапўш (дўппи)</i>	✓	
2	<i>варваризм</i>	ўринсиз қўлланган чет сўз ва сўз бирикмалари	<i>окей, короче, есть қилмоқ</i>		✓
3	<i>жаргон</i>	маълум соҳа вакиллари учунгина тушунарли бўлган сўзлар	<i>қоғоз, кўк/кўкат (доллар); шапка (пора), вышка (олий жазо)</i>	✓	✓
4	<i>вульгаризм</i>	кўпол, ҳақоратомуз сўзлар; сўкиш ва карғишлар	<i>ландавур; паразит</i>	✓	✓
5	<i>“паразит” сўзлар</i>	нутқда ортиқча такрорланган сўзлар	<i>демак, қисқаси, шу, хуллас; зато</i>	✓	✓
6	<i>канцеляризм</i>	колип сўзлар	<i>маълум бўлдики,</i>	✓	

2007; Аҳмедова Н.Ш. Ўзбек тилида мурожаат бирликларининг семантик-коннотатив тадқиқи: Филол.фан. номз. ... дисс.автореф. – Т., 2008; Расулов Қ.А. Ўзбек мулоқот хулқининг функционал хослиниши: Филол.фан. номз. ... дисс.автореф. – Т., 2008; Маматкулов А.Л. Француз тилида “Нутқий хушёрлик” – социоллингвистик ҳодиса сифатида: Филол. фан. номз. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 2012. – Б.27; Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Академнашр, 2012; Маматов А. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Т.: Баёз, 2014; Газиева М.Х. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри ... дисс.автореф. – Тошкент, 2018.

			<i>бундан кўринадики</i>		
7	аргоизм	маълум бир синфий гуруҳнинг ўзигагина тушунарли бўлган сўзлар	<i>ҳазрати олийлари, зоти олиялари</i>	✓	
8	агноним	муайян тилда мулоқот қилувчилар учун ўша тилга ўзлашган номаълум, нотаниш, тушунарсиз бўлган сўзлар	<i>банкрот, тик-ток</i>		✓
9	сленг	асосан ёшлар нутқига хос сўзлар	<i>ўрамоқ (бошини айлантирмоқ), сирпантирмоқ (панд бермоқ); танка (ҳимоячи)</i>	✓	✓
10	обсценизм	нутқдаги одобсиз кўлланишлар	<i>хунаса</i>	✓	
11	штамп ва клише	нутқда сунъий такрорланган сўзлар	<i>дам бу дамдур ўзга дами дам дема.</i>	✓	

Дарҳақиқат, яхши, соф нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тузилган бўлиши, бошқа тил ва ғайриадабий тил элементларидан холи бўлиши лозим. Бундай ажнабий сўз ва иборалар маданий нутқнинг тозалигига путур етказди. Яхши ва намунавий нутқ адабий тил талабларига мувофиқ шаклланган бўлиши, ғайриадабий ва ғайриахлоқий турли тил элементларидан холи бўлиши зарур. Сўзлашдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса ва воқеликларни тингловчига тўғри ва таъсирчан етказишдан иборат. Шундай экан, мулоқот жараёнида нутқнинг тўғрилиги, равлонлиги ва мантиқийлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Мутафаккирларимиз сўзловчини тилнинг аҳамиятини тушунган ва сўзнинг маъноларини яхши англаган ҳолда, шошилмасдан, равлон тилда сўзлашга чақиради. Юсуф Хос Ҳожиб туркий халқларнинг XII асрдаги ажойиб бадий ёдгорлиги бўлган “Қутадғу билиг” асарида сўзларни тўғри танлаш ва тўғри қўллаш ҳақида “Билиб сўзласа сўз, билиг саналур” деган эди. Нутқда фикрни ихчам ва лўнда баён қилиш зарурлиги ҳақида эса бундай дейди:

*Укуш сўзлама сўз, бирор сўзла оз,
Туман сўз тугунин бу бир сўзла ёз,*

Мазмуни: *Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) сўз тугунини шу бир сўз билан еч*¹.

Бугунги кунда айрим талаба-ёшлар нутқда учраётган *дум, ҳачча, международний, локоматив, ништяк* каби маъноси фақат уларнинг ўзигагина тушунарли сўзларни ижобий баҳолаб бўлмайди. Бу каби нутқ

¹ Yusuf Xos Hojib. Qutadg‘u bilig. Cho‘lpon nashriyoti. – T., 2007. – B. 17.

тозалигига салбий таъсир кўрсатадиган тил бирликларидан бири сленглардир. Сленглардан ижодкорлар бадиий адабиётда айрим қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштириш учун фойдаланади, ammo бундай сўзларнинг одатий нутқда қўлланиши чегараланган бўлади. Нутқий тозаликка риоя қилмаслик эса унинг таъсир кучини пасайтиради.

Нутқда вульгаризмларда – кўпол ва ҳақоратомуз сўзларда суҳбатдошга нисбатан салбий муносабат, камситиш, ҳақоратлаш каби ножоиз ифодалар очик кўзга ташланади. Бундай сўзлар кўпроқ номинатив маъноларига кўра эмас, балки коннотатив маъноларига кўра нутқда яшайди. Бу каби кўпол ифодали сўзлар бадиий асарларда, асосан, қаҳрамонлар нутқида учрайди. Лисоний таҳлил асосида бадиий асарда қўлланган вульгаризмларни кимнинг (жинси, ижтимоий табақаси, мавқеи, ёши каби) нутқида ишлатилаётганлигига қараб гуруҳлаш, қандай вазиятларда ва нима сабабдан қўлланаётганлигини ҳамда уларнинг лексик-семантик таркиби, шевага хосланган шакллари аниқлаш мумкин. Мисоллар: – *Ҳей! Баққа туш, энагар! Момо қо-олди... Юрагинг совудими, ҳароми? Энди яйлов кенг бўлди сенга! Богда жавлон урасан, силкасал!* (Шукур Холмироваев).

Диссертациянинг “**Эколингвистика ва ўзбек тилида нутқий мукамаллик масаласи**” деб номланган учинчи бобда ўзбек тилидаги эколингвистик муаммолар ёритилган. Бобнинг биринчи фасли “*Ўзбек тилида номланишлардаги бузилишлар*” деб аталади.

Глобаллашув жараёнлари тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораётган бугунги кунда асрлар оша боқий яшаб келаётган кўплаб эзгу қадриятларимиз қаторида она тилимизнинг софлигини, бой имкониятларини сақлаш, ушбу бебаҳо маънавий хазинамизни асл ҳолича асраш ва келажак авлодларга бус-бутун етказиш тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Афсуски, жой номлари, реклама ва эълонлар, бино ва иншоотлар пештоқидаги лавҳаларда она тилига эътиборсизлик туфайли йўл қўйилаётган хатолар тилимиз жонкуярларини ранжитмоқда. Бу ғализликлар, жой номларидаги тушунарсиз (агноним) ҳолатлар тилнинг амалий аҳамиятини, нуфузини пасайтираётгани шубҳасиз.

Агноним атамаси юнон тилидан олинган бўлиб, “билилмаган, тушунарсиз, номаълум” деган маънони англатади. Демак, муайян тилда мулоқот қилувчилар учун ўша тилдаги номаълум, нотаниш тушунарсиз бўлган сўзлар *агноним* номи остида умумлаштирилади.

Агнонимлар тилшуносликнинг (лингвоцентрик) эмас, балки оламнинг лисоний манзараси ёки тилни ўз эгасидан айро ҳолда ўрганишнинг антропоцентрик¹ [юн. *anthropos* – одам] – барча ҳодиса ва муносабатларни инсон ва унинг манфаатлари учун аҳамияти нуқтаи назаридан талқин қиладиган дунёқараш ва илмий ёндашиш ҳисобланади². Буни тилдан

¹ Алихонов Б., Самойлов С., Ибрагимов Р. Ўзбекча-русча-инглизча экологик изоҳли луғат – Т.: Chinor ENK, 2004. – Б. 24.

² Йўлдашев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Т.: Фан, 2007. – Б. 64.

фойдаланувчи айрим жамият аъзолари лаёқати билан боғлиқ ҳодиса сифатида қабул қилиш лозим.

Барча даврларда бўлгани каби тилнинг соф ҳолда ривожланиши, маълум даражада, соҳа вакилларига, яъни тилшунослар, ёзувчилар, ўқитувчилар, журналистлар хизматига боғлиқ. “Тилшуносликда *“тилнинг ҳаётига онгли аралашув”*, *“тилни онгли бошқариш”*, *“тилни тартибга солиш”*, *“тилни нормалаш”*, *“тил меъёрларини белгилаш”*, *“тилни силлиқлаш”*, *“тил меъёрларини такомиллаштириш”*, *“тилни қайта ишлаш”* каби тушунчалар мавжуд бўлиб, улар тилнинг ривожини ва тараққиётида ёзувчи ҳамда тилшуносларнинг аралашуви билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий ишларни ифодалайди”¹.

Собиқ иттифоқ даврида миллий тиллар, хусусан, ўзбек тилини маълум даражада йўқ қилишга интилиш кучайди. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек тили ижтимоий вазифасининг камайишига олиб келди. Натижада, ташкилот ва муассасаларга ном қўйилишларда бузилишлар содир бўлди: *Карл Маркс*, *Ленин*, *Киров колхозини ва ҳоказо*.

Ўткир Ҳошимовнинг “Итбозга эҳтиром” ҳикоясида “Духновский дегани эса “итларга қандай лақаб қўйиш керак?” сарлавҳали каттагина мақоласида итга инсон исмини лақаб қилиб қўймаслик ҳақида таъкидлаган ҳолда, итларга қўйиладиган лақаблар рўйхатини кўрсатади: *Асқар*, *Ботир*, *Комила ва ҳоказо...*”². Итга қўйилган ўзбек исмлари инсонни қанчалик ранжитса, жойларни номлашдаги ғализликлар ҳам шунчалик таъсир кучига эга.

Юртимиз кўчаларидаги бинолар пештоқиға илинган реклама эълонларидаги номларда ўзбек тили қонуниятларига мутлоқо зид ҳолатлар ҳамон давом этмоқда. Бугун пойтахт кўчалари ёки вилоят марказларида бино, иншоотлар пештоқларига эълонлар, аксарият, хорижий тилларда ёзилмоқда. *“Флоренция”*, *“Суши бар Япоша”*, *“Лопера”*, *“Эл Гаучо”* ресторанлари, *“Рома пицца”*, *“Ла миранда”*, *“Рожо ожо”*, *“Лук”* маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, *“Долче Фредо”*, *“Бургер хаус”*, *“Кофи лайк”*, каби ўзбек тили учун ёт ҳолатлар ҳам эколлингвистика фанининг объекти саналади.

Бобнинг иккинчи фасли *“Нутқий мукамаллик ва обсценнизм”* деб номланиб, унда тилшуносликда янги пайдо бўлган *обсценнизм* сўзига атрофлича тўхталиб ўтилган. Табиат ва жамиятда экологик муаммоларнинг вужудга келиши натижасида табиатни ва жамиятни асраш, оламни қутқариш сингари тушунчалар пайдо бўла бошлади. Ушбу тушунчалар тилшунослик соҳасига ҳам кириб, эколлингвистика йўналишининг шаклланишига туртки бўлди. Рус тилшуноси Г.Я.Солганикнинг фикрича, мулоқот жараёнида вульгар сўзлар, жаргонлар ва арголардан фойдаланиш меъёрлари, тилнинг

¹ Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси (адабий норманинг шаклланиши ва яшаш қонуниятлари.. III қисм. – Т., 1999. – Б. 8.

² Hoshimov O'. Daftar hoshiyasidagi bitiklar. – Т.: Sharq, 2013. – Б. 65.

ахлоқий-маданий омилларини тадқиқ этиш билан социолингвистиканинг таркибий қисми бўлган эколлингвистика ҳам шуғулланиши лозим¹.

Тил ва нутқ софлигини сақлаш ҳақида гап кетганда, аввало, ҳозирги баъзи ёшлар кўп қўллайдиган сўз ва иборалар, яъни *варвар сўзлар* ҳақида фикр билдириш жоиз. “Варваризмлар юнонча *barbarismos* сўзидан олинган бўлиб, “келгинди” деган маънони билдиради. Варваризмлар тилга ўзлашмаган, унинг меъёрларига хос бўлмаган, ўзга тил ходисаси сифатида қўлланадиган сўз ва иборалардир”².

Варваризмлар сўзлашув услубига хос лексик унсур бўлиб, тилнинг адабий меъёрини бузади ва унинг асосий луғат таркибига кирмайди. Варвар сўзлардан баъзан бадиий адабиётда маҳаллий муҳитни бериш, қаҳрамонлар нутқини индивидуаллаштиришда кенг фойдаланилади. Масалан, варваризмлар³ (хорижий валютага нисбатан “*кўкидан*” *борми* – доллар борми; лавозим ва шахсни “*мер*”, “*шеф*”, “*бос*”, “*барон*” тарзида аташ ва ҳоказо) қайта номлаш демакдир, шунингдек, бу бирликлардан мазах қилишда ҳам фойдаланилади. Ўзбек тили давлат тили мақомини олгач, турли тиллардан, айниқса, рус тилидан кирган варваризмлардан (“*мадам*”, “*братан*”, “*земляк*”, “*пахан*”, “*дедуля*” ва б.) ўзбек сўзлашув тили фаол тозалана бошланди.

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин, бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ҳамда қадимий тиллардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони давлат тилига бўлган эътиборни янада кучайтирди. Фармоннинг 4-бандида “давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш” каби вазифалар аниқ белгилаб қўйилди. Чунки бугунги кунга келиб, ёшлар нутқида нафақат ўзбек тилини, балки бошқа тилларни ҳам бузиб қўллаш ҳолатлари авж олиб кетди. Бу, ўз навбатида, ўзбек тили нуфузига жиддий салбий таъсир ўтказмоқда. Қуйида уларнинг айримларини таҳлил қиламиз.

“*Ваатше*” – рус тилидаги “*вообще*” сўзидан келиб чиққан (“умуман”) деган маънода ишлатилади; “*карочи*” – рус тилидаги “короче” сўзидан келиб чиққан, “қисқаси” деган маънода; “*далбан*” – рус тилидаги “долбань, долбитъ” сўзидан келиб чиққан, “боши қаттиқ урилган, аҳмоқ” деган маънода; “*трезу*” ёки “трезви” – рус тилидаги “трезвий” сўзидан келиб чиққан, “маст эмас, хушёр, тетик” деган маънода қўлланади; “*дубил*” – асли французча сўз бўлиб, рус тилидаги “дебил” сўзидан келиб чиққан, “ақли паст, калтафаҳм” деган маънода ишлатилади, тиббиётда касаллик тури ҳисобланади; “*тормиз*” – рус тилидаги “тормоз” сўзидан келиб чиққан,

¹ Солганик Г.Я. О новых аспектах изучения социоллингвистики // Вестник Московского университета. Серия 10. Журналистика. № 3. – Москва, 2000. – С. 31.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 1-жилд. – Т., 2006. – Б. 441.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: Давлат илмий нашриёти, 2001. – Б. 49.

“тўхтатиш мосламасига ўхшаб қотган, сушт ҳаракат қиладиган, аҳмоқ” деган маънода; “*давай, давай*” – рус тилидаги “давай” сўзидан келиб чиққан, “тез-тез бўл, бўл” деган маънода; “*рагатка*” – рус тилидаги “рогатка” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “кўп гапирадиган одам” маъносида қўлланади; “*майда резба*” эса бир гапни қайта-қайта такрорлайверадиган инсонга нисбатан ишлатилади.

Тилшуносликда пайдо бўлган *обценнизм* “лотинча “*obscenus*” сўзидан олинган бўлиб, беадаб, уятли; лисоний нуқтаи назардан одобсиз ифода, қасам ичиш, тушунтириш деган маънони билдиради”¹. Бунга айрим ёшларимиз томонидан “кўча тили”да қулоққа чалинадиган қуйидаги ифодаларни мисол қилиб келтириш мумкин (кўпол сўзлар учун олдиндан узр):

“*Чурка*” – рус тилидаги “ёғоч бўлаги, тўнка” маъносида. Қадимда славян халқларида бутларни ёғочдан яшашган ва уларни “*чур*” номли худоси бўлганлиги борасида тахмин ҳам бор.

“*Урод*” – рус тилидан кириб келган ушбу сўз “кўча” тилида тез-тез учраб турадиган сўзлардан бўлиб, аслида кўриниши хунук, кўпол, кўрқинчли бўлиб туғилган одамга нисбатан ишлатилмасдан, ўзбек тилида одамлар бир-бирини ҳақорат қилиш учун ишлатадиган сўзга айланган.

“*Тупой*” – рус тилидаги “*тупой*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “ўтмас, аҳмоқ” деган маънода ишлатилади. “Тилимизни ўз ўзанига қайтарайлик, акс ҳолда ундан айрилиб қоламиз. Тил миллатнинг охириги кийими, ундан ҳам ажралсак, яланғоч қоламиз...”² деган фикрда нечоғлик жон борлигини фақат ўзбек тилини ҳурмат қилган инсонгина тушунади, холос. Зеро, тилимизни асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслик лозим.

Бобнинг “*Сўзлашув тилида деструктив ҳодиса*” деб номланган учинчи фаслида бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби тилшунослик илмида ҳам йўқолиш, ўлиш сингари тушунчалар мавжудлиги ҳақида фикр юритилади. Бу жараён фалсафий, ахлоқий ва эстетик нуқтаи назардан «деструктивлик» дейилади. *Деструктивлик* лотинча *destructivus*³ сўзидан олинган бўлиб «ҳалокатли, бузғунчи, йўқ қилиш» деган маъноларни билдиради. *Ҳалокатли*⁴ сўзи эса ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ҳалокатга, кўнгилсиз ҳодисага олиб борадиган, емириб, йўқ қилиб юборадиган” тарзда салбий ҳолатни ифодалайди. Турли хил луғатларда деструкция ҳодисаси “бирор нарсанинг меъёр тузилишини бузиш, йўқ қилиш” тарзида изоҳланади. Бу тушунча остида нарсаларнинг меъёрда кечиши, ҳар қандай жараённинг ривожланиши, тарихий, тадрижий ҳаракатининг издан чиқиши, муайян тизим барқарорлигини таъминловчи боғланишлар бузилиши назарда тутилади.

¹ Обценнизм // www.dic.academic.ru (дата обращения: 20.08.2020)

² <https://dunyo.news/uz>.

³ Волкова Я.А. Деструктивное общение в когнитивно-дискурсивном аспекте: дис. ... канд. филол. наук. – Волгоград, 2014. – С. 33.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати (2 томли) // З.М.Маъруфов таҳрири остида// – Москва: Рус тили, 1981. – Б. 680.

Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўттиз бир йиллик тараққиёти давомида тилимизнинг обрў-эътибор қозонганлигига етарлича гувоҳлик бериш мумкин. Аммо унинг давлат тили сифатида қўлланилиши, она тили сифатида ўрганилиши ва ўқитилиши билан боғлиқ айрим муаммолар борки, уларни бартараф этиш миллат ва давлат равнақи учун беҳад зарур. Биринчидан, ўзбек тилининг давлат ташкилотлари ва хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, ҳатто давлат ва жамият бошқаруви органлари иш фаолиятида, айниқса, иш қоғозларининг юритилиш жараёнида давлат тили сифатида тўла амал қилмаётганлигини алоҳида қайд этиш зарур: юридик кучга эга расмий ҳужжатлар, иш қоғозлари, хусусан, низом, далолатнома, ҳисобот ва ҳатто қарорлар ҳамон рус тилида расмийлаштирилаётганлиги давлат тилининг барча соҳаларда меъёр асосида қўлланмаётганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолат деструкциянинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари, жумладан, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилинмаётганлиги, телекўрсатувлар, соҳа ходимлари нутқида оғзаки нутқ меъёрлари, нутқий маданиятнинг асосий талаблари кўпол равишда бузилаётганлиги (аксарият Тошкент шеvasига хос фонетик, морфологик хусусиятларнинг етакчилиги, умуман, шевада сўзлаш ва мулоқот қилиш урфга айланганлиги)ни таъкидлаш лозим. Бу ҳол деструктив жараённи, оз бўлса-да, жадаллашишига сабаб бўлмоқда.

Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида шундай насиҳат қилади: “Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак била сухангўйлик ҳосил қилур. Аввало, буни шундоқ далиллаш мумкин: агар бир ўғлон онадин туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб, сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуғ бўлғонда лол (соқов) бўлур. Кўрмасмусанким, барча лоллар қар бўлурлар...”¹.

Демак, эшитиш қобилияти туфайлигина инсонда тил, нутқ пайдо бўлади, яъни қулоғидан кирган товуш, сўз, гап ва иборалар оғзидан чиқади. Шунинг учун ҳам халқимиз: “Сув онаси – булоқ, сўз онаси – қулоқ”, деб бежиз айтмаган.

Тадқиқотимиз давомида эколингвистика муаммоларини ҳал этиш, миллий тилимизнинг софлигини сақлаш борасида қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

ўзбек тилшунослигида эколингвистика фанини тил софлигини сақловчи йўналиш сифатида ривожлантириш;

луғат тузишда тил ва нутқ меъёрларининг барча талаблари – имло, талаффуз, сўз ясалиши ва сўз қўллаш қоидаларига тўлиқ амал қилиш;

мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш мақсадида

¹ Қобуснома/Кайковус. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 168.

ташкилот ходимларини мунтазам ўқитиш, бу борада малака-кўникмаларини шакллантиришни қатъий назорат қилиш;

таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш учун моддий-техник базасини яратиш;

давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш учун кундалик ҳаётда фаол ишлатиладиган сўзларни изоҳли ва имло луғатларини яратиш;

ёшларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатаётган реклама матнларида тилнинг этик, орфографик ва сўз қўллаш билан боғлиқ меъёрларига қатъий амал қилиш;

давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш;

ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш;

оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабий тили меъёрларига амал қилинишига эътибор қаратиш, соҳа ходимлари нутқида оғзаки нутқ меъёрлари, нутқий маданиятнинг асосий талаблари кўпол равишда бузилишига йўл қўймаслик.

ХУЛОСА

1. Ўзбек тилшунослигида эколингвистика ва тил экологияси доирасида эришилган ютуқларни амалиётга татбиқ этиш, ҳар қандай ёзма материалларнинг давлат тилида берилишини таъминлаш, миллий тил софлигини сақлаш, мулоқот жараёнида ундан тўғри фойдаланиш, тилни қўллашда йўл қўйилган тартибсизликларнинг олдини олиш эколингвистика олдида турган вазифалардан саналади.

2. Тилшуносликда эколингвистика йўналишининг вужудга келиши ўзбек тилшунослигида ҳам экологик терминлар системаси ва семантикаси борасида аниқ ҳолатларни белгилаш, эколингвиал бирликлар ва ҳодисалар доирасини қатъий чегаралашни ҳамда изоҳлашни тақозо этади. Эколингвистика тил эгалари ўртасидаги соғлом мулоқот, нутқ софлиги, тилнинг табиий ва асл ҳолатини асраш масалаларига эътибор қаратади.

3. Тил экологияси ғояларига мувофиқ равишда эколингвистика лексик эрозия, тил муҳити, тил муҳитининг ифлосланиши, тил касалликлари, тилни муҳофаза қилиш каби тушунчалар билан иш кўради. Бу борада тилнинг соғлом турмуш тарзи, унинг ҳаракат фаоллиги тушунчалари тилдаги шамоллаш, юқумли касалликлар ҳамда тил лингвонекрози сингари муаммоларнинг ечими сифатида намоён бўлади.

4. Лингвоэкология лингвистик хилма-хилликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тил ҳодисаларининг ижтимоий вазифаларини кенгайтириш, она тили ва, умуман, тилнинг жамиятдаги нуфузини ошириш юзасидан аниқ чоратadbирларни ишлаб чиқиш имкониятига эга.

5. Тил ўзида миллийлик ва тарихийлик тамойилини мужассам этади, табиат ҳамда жамиятдаги барча нарса-ҳодисалар тилда зарур ном билан

гавдаланади, бироқ ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига оғишмай кириб келаётган янги тушунчалар ва уларнинг атамаларини ўзга тилдан ўзлаштиришда маълум меъёр ҳамда қоидаларга риоя қилмаслик натижасида тилда сон-саноксиз тушунарсиз сўзлар уюми пайдо бўлади. Тилда бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш учун янги тушунчаларни ўз тил имкониятлари доирасида ифода этишга мутахассислар бошқа соф тилларнинг амалий тажрибаларидан фойдаланиш ҳисобига эришадилар.

6. Пуризм муайян ижтимоий-тарихий шароитда ҳар бир тилда намоён бўладиган ҳодиса ва унинг амалий тус олиши зиёлиларнинг, тил мутахассисларининг фаоллигига боғлиқ. Тил системасида она тилига ёт бўлган ўзга тил элементларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши ижобий ҳодиса эмас. Бундай вазиятда, ёт тил унсурларининг бошқа бир тилга “рухсатсиз” кириб келиши мазкур тилнинг ривожланишига тўсқинлик қилиши, унинг сунъийлашувига, бузилишига, баъзан эса йўқолиб кетишига олиб келади. Бундай ҳолат глобаллашув шароитида гегемон тилларнинг заиф тилларга кучли таъсири остида юз беради.

7. Тил экологиясига жиддий таъсир этувчи, тил эрозиясини юзага келтирувчи сўзлар (жаргон, арго, вульгар, варвар, сленг, канцеляризм, агноним, паразит сўзлар ва х.), асосан, сўзлашув нутқиغا хос бўлиб, сўзловчининг ўз нутқини назорат қилмаслиги, тил элементларидан фойдаланишга эътиборсизлиги туфайли пайдо бўлади, бу эса тил ва нутқ софлигига путур етказувчи, тил маданиятига ёт бўлган луғавий бирликларнинг шаклланишига олиб келади.

8. Бугунги кунда ўзбек тили меъёрларидан оғиш ҳолатлари нафақат марказий ҳудудларда, балки юртимизнинг олис туманларида ҳам бирдек кузатилмоқда. Тил ва нутқ андозалари бузилишининг бу каби салбий кўринишлари асосан оммавий-ахборот воситалари орқали тарқалмоқда. Шунинг учун телекўрсатувларда, рекламаларда, интернет сайтларида, аввало, давлат тили устунлигининг таъминланишига эътибор қаратиш ва бу борада тилни ривожлантириш департаменти назоратини ўрнатиш зарур.

9. Кейинги вақтларда ўзбек тилига сўз ўзлаштиришда баъзи ноқисликларга йўл қўйилмоқда. Бу борада ўзга тилдан кириб келган сўзларнинг ўз тилдаги муқобилини топишга ҳаракат қилиш, хорижий сўзлар учун таклиф этилаётган арабча ва форсча сўзларни қабул қилишга шошилмасликка тўғри келади.

10. Мамлакатимизда бугунги тил сиёсати доирасида эколингвистика фанининг ривожланиши миллий тилнинг меъёрлашувига хизмат қилади ҳамда тилни сақлаб қолиш миллий тафаккур тарзи ва мулоқот қуроли сифатида унинг яшаб қолиши ва ривожланишини таъмин этади, қолаверса, ўзбек халқи феноменига хос миллий-маданий хусусиятларни тил воситасида авлодларга асл ҳолида етказишда алоҳида аҳамиятга эга.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING
SCIENTIFIC DEGREE DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

FERGHANA STATE UNIVERSITY

Kuldashev Nizomidin Akhmadaliyevich

**ECOLINGUISTICS: STUDIES OF THE LINGUOCULTUROLOGICAL
ISSUES OF THE PURITY OF LANGUAGE AND SPEECH**

10.00.01 – Uzbek language

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY
IN PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

Ferghana – 2021

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.2.PhD/Fil293

The dissertation has been prepared at Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume) languages on the website of the Scientific Council (www.fdu.uz) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal (www.ziynet.uz)

Scientific consultant: Muminov Sidikjon Mirsobirovich,
Doctor of Philological sciences, professor

Official opponents: Ulukov Nosirjon Mukhammadaliyevich,
Doctor of Philological sciences, professor

Sobirov Abdulhay Shukurovich,
Doctor of Philological sciences, professor

Leading organization: Urgench state University

Defense of the Dissertation will take place on «29» 12 2021, at 9⁰⁰ p.m. at a meeting of Scientific Council DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz.

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number 141). Address: 19. Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «16» 12 2021.
(Mailing report number 41 on «16» 12 2021).



Sh.M.Iskandarova
Chairman of Scientific Council Awarding scientific degree, Doctor of Philological sciences, Professor

M.T.Zokirov
Secretary of Scientific Council Awarding scientific degree, Candidate of sciences, docent

A.B.Mamajonov
Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degree,
Doctor of Philological sciences, Professor

INTRODUCTION (annotation of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD))

The actuality and significance of the dissertation work. The process of globalization which is taking place in the world is reflected in the development of sciences, including linguistics, in the form of new approaches, different views and ideas. Linguistics is no exception. The emergence and development of pragma linguistics, cognitive linguistics, linguoculturology and other similar fields under anthropocentrism in world linguistics also involves new approaches to the study of the object and subject of linguistics. The biggest problem that worries linguists today is that the world's languages are disappearing or mixing with different languages, and the purity of languages is being lost as a result of the violation of the norms of learning another language. In this regard, the research on the purity of language carried out in ecolinguistics, as well as dictionaries are of great practical importance for the development of the sphere.

Nowadays researches are being conducted to preserve the purity of language. Researches in ecology and linguistics in world linguistics are united around the concepts of ecolinguistics, language ecology, ecological linguistics, linguistic ecology. In this case, the issues of preserving the lexical units of a language in its purity and their proper usage are of special scientific and theoretical importance in the study of important information on the problems of language ecology and the preservation of the language in its purity.

In Uzbek linguistics, the work is focused on the preservation of the national language, its rational use, protection from elements that undermine its purity, the transmission of the purity of the language to future generations on the basis of ecolinguistic factors. This, in turn, puts the task of ecolinguistics in the field of language preservation policy, including the research of language ecology in Uzbek linguistics on the basis of modern linguistic achievements. After all, one of the important tasks facing the society today is to "preserve the purity of the state language, enrich it and increase the speech culture of the population."¹

This dissertation research has served on a certain extent to realize the tasks determined in the following Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi" №PD-4797 on May 13, 2016; №PD-5850 on October 21, 2019 "On measures to completely increase the prestige and status of the Uzbek language as the state language", №PD-6084 on October 20, 2020 "On measures to further develop the Uzbek language in our country"; No. DRU-615 of the Republic of Uzbekistan "On the celebration of the Day of the Uzbek language" dated April 10, 2020; DCM-173 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 24, 2016 "On measures to implement the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan" On the establishment of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида// Нурият, 2019 йил 22 окtabр.

"PD-4797 dated May 13, 2016; Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 18, 2018 No 376 "On measures to improve the system of translation and publication of the best examples of world literature in Uzbek and masterpieces of Uzbek literature in foreign languages"; DCM-117 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated March 3, 2020 "On the organization of the Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi"; Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. DCM-61 of February 10, 2021 "On measures to ensure the gradually full transition to the Uzbek alphabet based on the Latin script."

Relevant research priority areas of science and developing technology of the Republic. The research was conducted in accordance with the priorities of the development of science and technology in the country "Formation system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of society and a democratic state."

The scope of study of the problem. The first comments on ecolinguistic issues in world linguistics were published in 1972 by E. Haugen¹. In 1990, M. Halliday's research work on the ecology of language was published². These studies led to the development of the ecolinguistics. Researchers such as W McCay, A Phill, Finke, L J Kalve, W Trampe, I Štok, M Dihring, P. Mühlhäusler showed the structural directions of ecolinguistics, macroecolinguistics and microecolinguistics. In the first direction, the issues of glottonasy, language genocide, destruction, interlinguistic conflicts, language policy and language planning were studied in detail. In the next stage, the issue of language and speech was studied in sociolinguistic, psycholinguistic, anthropocentric aspects³. NN Djabo conducted research on issues related to the structure, semantics, and translation features of the system of ecological terms in French and Russian⁴. Also, the book "Ecological Linguistics" by LA Brusenskaya and EG Kulikova was published. It was devoted to current problems of ecological lexicon⁵.

Although no monographic research has been conducted in Uzbek linguistics in the areas of ecolinguistics, language purity, violation of norms in the Uzbek language, rational use of language, language preservation, scholars such as A Khojiev, A Nurmonov, N Mahmudov, R Kungurov, E Begmatov, Yo Tojiev, E Shodmonov, M Mirtojiev, B Urinboev, A Rustamov, M Rahmonov, S Muminov, T Quadratov, Sh Iskandarova, N Msahibov, R Rasulov, Muydinov, Sh Safarov, G Toirova, B Yuldashev, A Mamatov, M Kurbanova have studied the non-use of other language elements in maintaining the purity of the Uzbek language, language-distorting elements, redundancy, grammar and purism⁶. The first research

¹ Haugen E. The Ekology of Language // Haugen E. The Ekology of Language: essays by Einar Haugen/Selected and Introduced by Anvar S.Dil. Stanford, Californiya: Stanford University Press, 1972.

² Halliday M. Current Ideas in Sustemic Praktike and Theory. – London: Pinter, 1991.

³ Кислицына Н.Н. Эколингвистика – новое направление в языкознании // www.crimea.edu/tni/cultute

⁴ Жабо Н.Н. Экотерминосистема французского и русского языков: структура, семантика, особенности и способы перевода: автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2015.

⁵ Брусенская Л.А., Куликова Э.Г. Экологическая лингвистика. – М.: Флинта: Наука, 2016. – С. 184.

⁶ Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Т.: Фан, 1996; Ҳожиёв А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Т.: Фан, 2010; Ҳожиёв А. Ўзбек тилшунослик

on the relationship between ecology and linguistics was conducted by H D Paluanova and Z A Djurabaeva. H D Paluanova studied ecological terms in Uzbek, Karakalpak, English and Russian languages in a comparative aspect and identified their derivation-semantic features¹. The types of ecological terms according to lexical-semantic groups, paradigmatic relations and structure are defined in the work of Z A Djurabaeva, Uzbek scientific lexicology was enriched with new data². N Z Pazliddinova studied in her research work the motivations in naming such names in the system of phytonyms of the Uzbek language³. N R Umarova studied conceptually in her doctoral dissertation phytonyms, zoonyms and their methodological features which were used in the works of Alisher Navoi⁴.

Our research focuses on the problems in the field of ecolinguistics - the preventing the language from distortion and loss, in terms of new approaches to the proper use of language in speech.

The relevance of the research to the research plans of the higher education institution where the dissertation was completed. The research was

терминологиясининг ҳозирги аҳволи ҳақида // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари. I Республика терминология конференцияси материаллари. – Т.: Фан, 1986. – Б. 7; Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1985; Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002; Ҳожиёв А., Решетова Л. Ўзбек тили грамматик терминларининг қисқача изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1980; Нурмонов А. Тилшуносликнинг психология билан муносабати // Танланган асарлар. 3 жилдлик. – Тошкент: Академнашр, 2012. 1-жилд; Нурмонов А. Танланган асарлар. 3-ж. –Тошкент: Академнашр, 2012. – Б.235; Нурмонов А. Она тилим – сўлмас гулим. “Андижоннома” газетаси, 2009 йил, 7 октябрь. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. 2 нашр. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009 й; Маҳмудов Н. Сўзимиз рост ва расо бўлсин. **Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2014 йил 2-сон;** Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981; Маҳмудов Н. Нутқнинг жўялилиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 2007. 3-сон; Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўлларини излаб...// Ўзбек тили ва адабиёти, 2012. 5-сон; Маҳмудов Н. Зиддият ва маъно тараққиёти // Ўзбек тили ва адабиёти. 2014. 3-сон; Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ёзувчи, 1998; Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1997; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1978; Шодмонов Э. Муомала муносабатларида қўлланилган сўз-гапларга доир. // Тилшунослик масалалари. – Тошкент, 1970; Миртожиёв М. Тил софлиги қандай белгиланади? // Ёш ленинчи. -Т., 1991, 12 январь. – Б.4.; Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. – Тошкент: Фан, 1972; Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1974; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент, 1991; Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987; Раҳмонов М. Сўзлар оламига саёҳат. – Тошкент: Фан, 2011; Мўминов С.М. Оказионал нутқий номинацияда мотивациянинг роли: филол.фан.номз. ... дисс.автореф. – Тошкент, 1990; Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Mo'minov S. Muloqot mezonlari. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2004; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан. номз. ... дисс.автореф. – Самарқанд, 1993; Маҳкамов Н. Адабий норма ва плеоназм – Тошкент: Фан, 1988; Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти (ўқув-методик қўлланма). – Тошкент, 2004; Сафаров Ш., Тоирова Г. Нутқнинг этносоциопрагматик таҳлили асослари. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2007; Йўлдошев Б. Ўзбек эколингвистикасининг долзарб муаммолари // Til va adabiyot ta'limi (№ 7), 2013. – Б. 33–35.; Маматов А. Нутқ маданияти ва тил нормасига оид терминлар ва тушунчалар изоҳи. – Тошкент: Баёз, 2014; Қурбонова М. Ф. Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. – Тошкент: Университет, 1997;

¹ Палуанова Х.Д. Экологик терминларнинг деривацион-семантик хусусиятлари (ўзбек, қорақалпоқ, инглиз ва рус тиллари мисолида): филол. фанлари д-ри дисс. – Тошкент, 2016.

² Джурабаева З. Ўзбек тилида экологик терминлар: филол.фан.ном...дисс.автореф. – Тошкент, 2018.

³ Пазлиддинова Н.З. Ўзбек тилида фитонимларнинг лексик-семантик хусусиятлари: филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореферати. – Фарғона, 2018. – Б. 8-21.

⁴ Умарова Н.Р. Алишер Навоий асарларининг лисоний-концептуал тадқиқи: филол.фанлари д-ри (DcS) дисс. – Фарғона, 2021.

carried out within the framework of the research plan of Fergana State University in the direction of "Ecolinguistic problems of the Uzbek language."

The aim of the research is to study researches which were conducted in the field of ecolinguistics and language ecology in Uzbek linguistics and to develop recommendations for maintaining the purity of the Uzbek language.

The tasks of the research:

- to elaborate of ecolinguistics problems;
- to analyze ecolinguistic units and their concepts;
- to develop the communicative, stylistic and functional aspects of language from the point of view of purity and norm;
- to explain the importance of ecolinguistics for language preservation on the basis of text analysis;
- to study the sociolinguistic, linguopoetic, linguoculturological features of ecolinguistic units in speech.

The object of the research is Uzbek literary texts, speech materials and prefaces.

The subject of research is the functional features of ecolinguistics, such as the preservation of language in its pure form, its rational use, the prevention of serious mistakes, disorders in communication.

The research method. The following analytical methods: descriptive, contextual, functional-semantic, methodological, sociolinguistic, linguoculturological and linguopoetic were used to cover the research theme.

The scientific novelty of the research is:

it has been proved that the inability to understand oral speech and irregularities in the use of words cause language disorders;

within the framework of linguoecology, as a routine process that undermines the purity of the Language, linguistic aspects of the Uzbek language, such as vulgar words, agnomys, argo words, various violations in obsenism (obscenism in speech), as well as verbal etiquette, communication habits were revealed;

the national, traditional, religious, philosophical, ethnic and creative motivations which are typical to the Uzbek language, as well as the correct, precise and concise semantic and functional aspects inherent in the purity of the language have been grounded;

ecolinguistics as a criterion for preserving the purity of language, as well as verbally, spelling, methodologically misused words, vulgar, barbaric, slang and agnomys, terminologies introduced by colloquialism, inappropriately used advertisements, distortions in words and phrases were proved.

The practical results of the research are as follows:

the tasks of ecolinguistics as a separate science in Uzbek linguistics have been studied;

the social, artistic and cultural functions of the language have been limited as a criterion that indicates the stability and prospects of the language in ecolinguistics;

lexical elements that impair the purity of language have been highlighted;

the social relations between communicators that undermine the purity of language have been revealed.

The validity of the research results is explained by the nature of the Uzbek language, the fact that conclusions are drawn, the objectivity of the materials, the methodological perfection of the basis of the research, as well as the accuracy of the issues raised.

Scientific and practical significance of the research results:

The scientific significance of the research results is explained by the fact that it serves as a theoretical source for further development of ecolinguistic theory, comprehensive study of problems related to language ecology, improvement of new views on linguoecology, rational use of language units and their preservation.

The practical significance of the results of the research is that they can be used in the study of social relations between language speakers, the creation of new types of dictionaries of spoken, folklore, dialectal, folk, official, real and mythological names, as well as it can be used in teaching subjects such as linguistic theory, modern Uzbek literary language, semiotics in philological faculties and organizing special courses and seminars, creating textbooks and manuals.

Implementation of the research results. From the results of ecolinguistics as a direction that preserves the purity of language:

in the field of linguoecology as a regular process that impairs the purity of the language, the proposals on various disorders of vulgar words, agnonyms, slang words, obscenism (obscenity in speech) in 2013-2014, I-2013-57 Development Coordination Committee of Fergana Regional Territorial Innovation Activity and Technology Transfer” in the direction of “Social ecological problems” (Reference No. 06-06 / 5053 of the Fergana Regional Governance dated July 6, 2021). As a result, the causes of purism in the context of social ecological problems have been identified and differentiated from related phenomena, a certain effect has been achieved on its correct application in speech;

national, traditional, religious, philosophical, ethnic and creative motivations inherent in the ecology of the language, as well as scientific conclusions on the semantic and functional aspects inherent in the norms of purity of the language are widely used in the preparation of a textbook entitled "Text Linguistics" (according to the order №237 of the Ministry of Higher and secondary special education dated May 31, permission №237-317) As a result, the topics of this textbook such as "stylistic means" and "means of forming the artistic text" are enriched on the basis of Uzbek speech manners and purity of speech, literary-artistic, scientific views on negative events that distort speech and theoretical scientific evidence;

materials such as ecolinguistics as a criterion for maintaining the purity of language, as well as verbally, spelling, methodologically misused words, vulgar, barbaric, slang and agnonyms, terms introduced by colloquialism, clutter in oral speech, irregularly used prepositions, distortions in words and phrases were used in the program "Bedorlik" of the TV and radio channel "Uzbekistan" and in preparing the script of the programs "Education and Development", "Literary Process".

(Reference of the TV and radio channel "Uzbekistan" dated July 15, 2021, Uz-RK-04-25 / 1182). As a result, it became informative and useful for the audience to have a comprehensive knowledge of Uzbek speech etiquette and purity of speech, literary-artistic, scientific views and conclusions on the negative phenomena that disrupt speech.

Approbation of the research results. The results of the research were discussed at 19 scientific conferences and 8 international conferences.

Publication of the research results. 26 scientific works have been published on the topic of the dissertation. 5 articles have been published in the journals recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, including 4 in national and 1 in foreign journals.

The structure and volume of the dissertation. The content of the dissertation consists of an introduction, three main chapters, a conclusion, a list of references. The total volume is 138 pages.

MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

In the introductory part of the dissertation work the topicality and actuality, the aim and tasks, the object and the subject of it, its appropriateness to the basic directions of the development of the science and technologies, the scientific novelty of the research and the practical results, the practical and theoretical value of the obtained results are revealed; the data of implementing the results of the research into the practice, the structure of the dissertation and the list of published works are given.

The first chapter of the dissertation, entitled "Theoretical Issues of Language and Speech Purity" analyzes the work of scholars who have studied language and speech purity (Ecolinguistics) and examines some of the linguistic phenomena that lead to the decline of any language.

The first part of the chapter is entitled "Ecolinguistics as a New Science in Linguistics." Our society is on the brink of ecological disaster. This is due to various changes in the environment. Covering more than 70 fundamental sciences, including ecology, the terminology of ecological science is also used to define the phenomena of degradation in the linguistic culture of society. Ecological ideas also began to be extrapolated to the field of language (scientific prediction of events). The use of the internal potential of language, metaphorical processes, as well as the substantiation of semantic and pragmatic relations within the symbol used in the language are characterized by the expansion of the use of one or another term, terminological units. Scholars around the world are focusing on certain linguistic phenomena that lead to the decline of any language. For example, linguist MN Epstein uses terms such as "syndrome of learning words from other languages", "language criminalization", "linguocinism". These terms refer to the inhumanity of public opinion, the increase in slang and vulgar words in speech, the decline in general literacy, and other factors. Indeed, today it is a bit difficult to say anything

positive about the status of the Uzbek language. It is high time to think about the future of the Uzbek language, instead of using lofty phrases. Many scientists are paying attention to this issue. Many scholars are paying attention to this issue. Scholar V. S. Elistratov notes on the purity of language: "...when it comes to purity or impurity, as any linguist can answer, I will answer in this way: it is impossible to allow the contamination of the language, it may lead to contamination or dilution of the speech, and then the standing speech, the brain and the soul. The mind and soul of those who hear you... That is, there is no language degradation, there is a degradation of people who speak the language."¹

One of the main reasons for the frequent reference to ecology in world linguistics is the predominance of the idea of conservation, which is considered important (trunk) in this science². Ecological linguistics has a well-developed mechanism in world linguistics. Linguist A.Fill³ proposes the following differentiation of the basic terminological units in this field:

1) ecolinguistics (ecolinguistik - ecolinguistics) is a general term for the fields of scientific knowledge that combine linguistics and ecology;

2) language, ecology of languages (ecologie der Sprache (n) - ecology of language (s) studies the ratio, influence to each other and interaction of language (preservation of language and its diversity);

3) ecological linguistics (ecologische linguistik - ecological linguistics) extrapolates ecological terms and ecological principles (for example, the concept of ecosystem) into the language;

4) Linguistic ecology (sprachekologie- language ecology, linguistic ecology) examines the relationship and interdependence of language and "ecological" issues.

According to MK Pylaeva⁴, there are two directions in ecolinguistics. The first is the ecology of language, which carries out the metaphorical transfer of ecological concepts (concepts such as ecology, environment, ecosystem itself) to language, and the second is linguistic ecology, which considers language and texts on the basis of "ecological" principle. It explores the role and potential of language in reflecting the problems of reality around it.

If we look at the works of V.B.Kasevich, V.Kolesov, L.I.Skvorsova, A.P.Skovorodnikova, V.I.Shakhovskoy, G.A.Kopnina on "Language ecology", we can see that metaphors such as lexical erosion, language environment, impurity of language environment, language diseases, language preserving have become more popular. There is an opinion that the language is said to have a healthy lifestyle, active movement of the language, and even the language has seasonal diseases and

¹ Литературная газета. – Москва, 2012. № 42.

² Иванова Е.В. Цели, задачи и проблемы эколингвистики. Прагматический аспект коммуникативной лингвистики и стилистики // Сборник научных трудов Е.В.Иванова. Челябинск: Образование, 2007. – С. 41-4

³ Fill A. Ecolinguistics und Amerikanistik. Band 23. Heft 1. – Tübingen, 1998.

⁴ Пылаева Е.М. К вопросу об эколингвистике в свете современных эколого-эволюционных исследований // Культура и образование. Ф Пылаева Е.М. К вопросу об эколингвистике в свете современных эколого-эволюционных исследований // Культура и образование. – Февраль 2014. - № 2 [Электронный ресурс]. URL: <http://vestnik-rzi.ru/2014/02/1367> (дата обращения: 01.02.2014).

linguonecrosis. In general, they all rely on the traditional metaphor of "language – a living organism".

In general, linguistic ecology was formed in response to the need to obtain information about the object of the national language situation, in order to predict the main trends, that is, "language diseases", to save it from negative influences. Linguistic ecology plays a special social role on the basis of a comprehensive study of the language environment and a certain typical formation of society. The preservation of the vitality of language, which expresses the world around human-being, is manifested in the ecological linguistic circle.

The second part of the chapter is called "Linguoecology-language conservation policy". Today it is noted that the assimilated words, which are difficult to understand for ordinary people are used excessively. This creates a number of difficulties in interaction. As a result, linguoecology has emerged as a new direction in modern linguistics that studies these issues. Linguoecology is formed as a result of the interaction of the science of ecolinguistics and is considered a language policy aimed at preserving all processes in the language (ethnic, dialect, etc.). Linguoecology usually involves the legal protection of linguistic diversity, the expansion of the social functions of language formations, the development of direct measures to raise the prestige of the native language and, in general, the language in society. It is impossible to separate linguoecology from educational problems, since language environment forms a person.

As L Bukhareva noted: "The behavior of degradation (degradation) on the linguistic behavior of members of society is regarded as a contradictory concept¹". Experts are using the method of dependence on demand needs to uncover the significance of the problem. This process serves both general and private interests, which are intended for a long-term perspective. This is observed in advertising texts used in breaking the norms of ethics, spelling, word application of the language. The idea of linguoecology encourages a thorough understanding of the problem. In linguistics, one of the peculiarities of linguoecology is to have linguistic means (substandard) that are not specific to the language, as well as an objective, natural attitude to the slang.

A particular "painful point" of the modern linguocultural situation is the lack of a stylistic palette or "high register, i.e., literacy, writing, printing style". This situation is entirely due to the socio-political conditions, i.e. the changes in the socio-economic life of Uzbekistan. Today there is no demand for praising language tools. However, nothing has been created to replace the lost "high register" and the use of words used in everyday life, and only simple, obscure words in communication, threatens the spiritual health of the nation.

The third chapter is entitled "An Ecological Approach to Language Phenomena". It is essential that every language speaker follows the norms of language in order to master the rules of speech. After all, "the unique words and terms of each language emerge due to the need to express the way of life, history,

¹ Бухарева Л.П. Лингвоэкологические факторы процессов оптимизации языкового поведения: на материале Республики Марий Эл: автореф. дис....канд.социол.наук. – Москва, 2009.

living conditions, psychology of the people who created this language.¹" Language is constantly evolving, and this development is related to the human factor. The development (enrichment) of a language can be positively influenced by the acquisition of words from dialects, other languages, the creation of new words, such a developmental process can also have a negative impact on language. It is known from history that many languages appeared in the world and some languages became dead languages. The reason for this is non-compliance with the normative rules of language, disregard for the ecology of language.

We also see that in textbooks, manuals, scientific articles and monographs about the Uzbek language, several words are used for the same linguistic phenomenon, and vice versa, one word is used as a term for different phenomena. This is not a positive thing. For each event, there must be a single term that accurately reflects its meaning². Indeed, in the field of linguistics itself, some of these problems in linguistics itself, i.e., terms in linguistics, do not correspond to the essence of the phenomenon, and some are more than one for an event. Solving this problem is one of the main tasks of language ecology, which is currently developing as a new direction in linguistics.

Each time period, historical events retain their traces in the language. As a result, the modern Uzbek language has moved away from its past. Language phenomena that do not meet the requirements of socio-historical development gradually disappear from the general linguistic interaction. They have been replaced by new events that have emerged in accordance with modern requirements. As a result, as mentioned above, the modern Uzbek language has moved away from its past. These events can be seen in comparison with the events reflected in the inscriptions³. In the Urhun-Yenisei inscriptions, the suffix "qaru" denoting the ancient direction is preserved only today in words such as outside, inside. Later, "qaru" was reduced to "-qa / -ga / -ka" and changed into "-gha", then into "-ga". The word "teskari" (reverse) had been "tersqaru", with a single sound dropped to make it easier to pronounce, and changed into "teskari" form. This, of course, shows that language strives for convenience⁴.

